

Автор: Administrator

10.05.2014 13:28 - Обновлено 11.05.2014 03:49



Александр Файнберг.

Автор: Administrator

10.05.2014 13:28 - Обновлено 11.05.2014 03:49



Юлдузларни асрайди фалак



Учрашув


**Учрашувга ваъдалашайлик,
Учрашмоклик эмас-ку гунох.
Кайгадир бош олиб кетайлик,
Одамларнинг кўзидан узок.**

**Гитара ва скрипка жўр,
Секингина таралар наво.
Не тиласанг, официант момо
Бир лахзада айлар мухайё.**

**Сачраб ўйнар кордек кўпиклар
Шампан-шароб очилган замон.
Беташвишдек туюлар хаёт,
Бўлмагандек гўёки армон.**

**Шароб гамни ювар кўнгилдан,
Канотларин йигиб охиста,
Мухаббат ва ишонч икковлон
Ёнимизга ўлтирар аста.**

**Ишонч бирла, мухаббат бирла
Сухбатлаша олмаймиз рўйрост.
Иккимизда хамма нарса бор,
Факатгина умид йўк, холос.**



* * *

**Ахир, менга кимлар ишонганди-я,
Пинхон умид килиб юракка малхам?!
Майсалар, хайвонлар ишонгандилар...
Менга ишонганди онажонгинам.**

**Эркинлик деб барин бой бериб кўйдим.
Онам кабри узра юзларим шувут.
Ўт кўйдим, майсалар ковжираб куйди,
Ўк отдим, хайвонлар бўлишди нобуд.**

**Кушдек эркин бўлдим, мана, ниҳоят.
Кишандамасман-ку бамисоли кул?
Болалигимдаги сўлим табиат
Нега тушларимга кирмайди нукул?**

**Канча мамлакатлар тушди кулфатга,
Уммонларим кани? Кани денгизим?
Бокдим осмондаги нохуш калхатга,
Асли шу калхатни учирган ўзим.**

**Оёгим остида ерлар шўр, такир,
Кетяпман елкамда сафар халтам шай.
Уятдан юрагим ўртанар, ахир,
Иссикда ташналик кийнар аямай.**

**Булокка тиз чўкиб, эгилиб пастга
Чол каби сув ича бошлайман узок.**

Сувдаги аксимга кўшилиб аста Ер каърига сингиб кетади булок.



Сўз

**Поезд кечикиши оддий вокеа,
Самолётни кутиб ичикади кўз.
Хакикий бахтсизлик, катта фожиа –
Мабодо кечикса кутилётган сўз.**

**Сўнган гулхан узра бўлгандек пушмон,
Кимсасиз кулбага боккандек махзун
Кечиккан сўз гариб, йиглайди ёмон,
Уни кеча кутган одамлар учун.**

**Кечиккан сўз боис ўрмонлар етим,
Бепоен ерларнинг пешонаси шўр.
Кабрлар қошида сўз ҳам бесўз, жим,
Рухлар безовтаю қисмат кўзи кўр.**



* * *

**Беш дакика колди учиб кетаман,
Юрак кулга тўлди, ўпка тутунга.
Энг баланд манзилни ишгол этаман,
Ёлгиз ташлаб кетгум сени очунга.**

**Бу, ахир, жуда хам оддий хакикат,
Торткилайвермагин ёмгирпўшингни.
Мен учиб бораётган олис мамлакат
Сенга тўгри келмас, йигвол хушингни.**

**Иллюминаторга куёш сочар нур,
Радар тўлкинидан ўзади парвоз.
– Каёкка? – Лабларинг кимирлар огир,
Кўл силтайсан, чикмас шовкинда овоз.**

**Ерга тегмай учар елган гилдирак,
Канотлар остидан кўтарар шамол.
Саволинг хавода колар муаллак,
Севгилим, севилган гўшангда хуш кол!**

Хуш кол, эй садокат, хуш кол, хиёнат,

**Хуш кол, бахт ва шодлик, хуш кол, кайгу-гам.
Хуш кол энди нафрат, хуш кол, мухаббат,
Зор эмасман энди хатто сенга хам.**



Варак

**Юлдузларни асрайди фалак,
Теран денгиз асрар дурларни.
Дафтаримдан йиртилган варак,
Асрагин мен ёзган шеърларни.**

**Шеър – нафакат ўкимок, укмок,
Шеър – юракда янграган товуш:
Куткаргандек тайгада сўкмок,
Тебрангандек кўлларда камиш.**

**Хар сатрим – жон, хар шеърим – юрак,
Ўрмон, кушлар, булутларга хеш.
Дафтаримдан йиртилган варак
Шеърларимни асра пешма-пеш.**

**Авлодларга келмасин малол,
Шеърларим гам чекмасин ночор,
Шамол, денгиз ва япрок мисол
Нафас олсин, кулсин бегубор.**

Рус тилидан Радам МУСУРМОН таржимаси



**Манба: Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг
"Ижод.Уз" сайти.**

**[Роман Холдор Вулкана "Жаворонки поют над полем" \(fb2\) |
coollib.com](#)**